Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

Ishonch

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 14-yanvar, seshanba № 6 (3355)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, қадрли юртдошлар!

Сизларни мамлакатимиз ҳаётидаги ғоят муҳим ва қутлуғ воқеа — Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 22 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистонда кейинги йилларда замонавий қурол-яроғ ва техника билан ҳар томонлама яхши таъминланган, ҳаракатчан, юксак талаб ва стандартларга жавоб берадиган, мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини самарали ва ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армияни шакллантириш бўйича кўлами ва миқёсига кўра улкан ишлар тизимли ва босқичма-босқич равишда амалга оширилди.

Бу борада ташкилий-штат тузилмаларини бутунлай қайта кўриб чиқишга, шунингдек, юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучларни тезкор-стратегик бошқаришнинг замонавий ва самарали тизимини яратишга, қўшин турларининг ўзаро келишиб ҳаракат қилишини такомиллаштиришга, уларни замонавий техника ва қурол-яроғлар билан таъминлашга, жанговар ва ўқув тайёргарликнинг маъно-мазмунини ўзгартиришга, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақадаги тез ўзгариб бораётган ва мураккаб ҳарбий-сиёсий аҳвол ва вазиятнинг янада кескинлашиш эҳтимолини инобатга олиб, Қуролли Кучларимиз таркибидаги қисм ва бўлинмаларнинг жанговар имкониятлари ва куч-қудрати, ҳаракатчанлиги ва уларни бошқариш самарадорлиги сезиларли равишда оширилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда дунёда ва ёнатрофимизда юз бераётган можаро ва тўқнашувлар, радикализмнинг кучайиши, Афғонистондаги урушнинг ҳамон давом этаётгани ва бу муаммони ҳал этиш борасида мавҳумлик сақланиб қолаётгани, терроризм ва диний экстремизмнинг фаоллашаётгани, тажовузкор наркотрафикнинг кенг тус олаётгани, чегараларимизга бевосита яқин ҳудудларда хавф-хатар кучайиб бораётгани — буларнинг барчаси бизда чуқур ташвиш ва хавотир уйғотмасдан қолмайди, албатта.

АЙСАФ деб аталмиш тинчликпарвар кучларнинг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар учун жиддий синовга айланиши, бизнинг жанубий сарҳадларимизда ва чегарадош ҳудудларда кескинликнинг янада кучайишига олиб келиши мумкин.

Бундай мураккаб ва оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган жараёнларнинг барчаси бугунги кунда ҳаммамиздан юксак даражадаги ҳушёрлик ва огоҳликни, чегараларимизда кескинликни келтириб чиқаришга қаратилган уринишларга йўл қўймаслик бўйича қатъий чораларни кўришни, мамлакатимизга қарши қаратилган ҳар қандай тажовузкор хуружларга Қуролли Кучларимизнинг ўз вақтида ва муносиб зарба бериш қобилиятини таъминлашга доимо тайёр туришимизни талаб этмоқда.

Шу муносабат билан юзага келаётган мураккаб вазиятда армиямизни ислоҳ этишни ва унинг мудофаа қудратини, жанговар салоҳиятини, мамлакатимиз суверенитетини ҳимоя қилиш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимизнинг тинч ҳаётини кўз қорачиғидек асраш бўйича тайёргарлигини янада мустаҳкамлашни давом эттириш зарур, деб ҳисоблайман.

Чегарадош ҳудудларда ва бутун минтақадаги тез ўзгариб бораётган аҳволни аниқ мақсад асосида тизимли равишда чуқур таҳлил ва прогноз қилиб бориш, сарҳадларимиздаги вазиятни жиддий тарзда мураккаблаштириши мумкин бўлган террорист ва экстремист кучлар хатти-ҳаракатларининг фаоллашув эҳтимоли билан боғлиқ бўлган хавф-хатарларни ўз вақтида аниқлашни таъминлаш Қуролли Кучлар, Мудофаа вазирлиги, Бош штаб ва ҳарбий округлар штабларининг асосий вазифаси ҳисоблансин.

Ана шу асосда мамлакатимизнинг мудофаа соҳасидаги қурилиш тизимини такомиллаштириш жараёнини, ҳарбий операциялар амалга ошириладиган ҳар қайси йўналишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда давом эттириш ғоят муҳимдир. Мамлакатимиз хавфсизлигига нисбатан, биринчи навбатда, чегара ҳудудларида вужудга келадиган хатарларнинг олдини олиш бўйича, ҳарбий округлар ва чегара қўшинлари бўлинмалари томонидан биргаликда олиб бориладиган ўзаро мувофиқлаштирилган жанговар операцияларни ўтказиш учун, доимий тайёргарликни таъминлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш даркор. Бундай шароитда Давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш учун жалб этиладиган бўлинмаларнинг бир-бирининг ўрнини босишга ҳар томонлама қодир бўлиши ва юксак даражада келишиб ҳаракат қилиши, шунингдек, уларнинг биргаликдаги жанговар тайёргарлиги ҳал қилувчи рол ўйнаши зарур.

Бу борада Қуролли Кучлар ва ҳарбий округлар қўмондонлиги томонидан қўшинларнинг амалдаги ўқув ва жанговар тайёргарлик тизимининг танқидий баҳоланиши ўта муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тизим яқин ва ўрта муддатга мўлжалланган истиқболда минтақада юзага келадиган реал ҳарбий-сиёсий вазият талабларига тўла жавоб бериши керак.

Шу муносабат билан хорижий мамлакатларда тўпланган тажрибани атрофлича ўрганиш асосида чегара қўшинлари ва Мудофаа вазирлиги қисмларининг, вертолёт-ҳужум ва махсус операцияларни амалга оширадиган бўлинмаларнинг, биргаликдаги ҳаракатларга жалб этиладиган бошқа қўшин турларининг ўзаро ҳамкорлиги бўйича, турли модел ва вариантларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Қисм ва бўлинмаларни мазкур тузилмаларнинг жанговар қобилиятини сезиларли равишда ошириш имконини берадиган, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника турлари билан таъминлаш бўйича қабул қилинган режа ва дастурларни тўлиқ ва ўз вақтида амалга ошириш асосий вазифамиз бўлиб қолиши даркор.

Жанговар тайёргарликни сақлаш учун, шунингдек, янги қурол-яроғ ва ҳарбий техника намуналарини ишлаб чиқарадиган ва уларни модернизация қиладиган қўшма корхоналарни ташкил этиш учун мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш ва таъмирлаш базасини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни кучайтириш лозим.

Жанговар взвод ва гуруҳларни ҳар томонлама пухта тайёрлаш борасидаги ишларни, ушбу бўлинмалар командирларига ва бутун шахсий таркибнинг профессионал тайёргарлигига бўлган талабнинг тобора ортиб бораётганини назарда тутган ҳолда такомиллаштириш зарур.

Взвод ва гуруҳларни тайёрлашда командирлар таркибида мавжуд аҳволни ҳар томонлама баҳолаш ва таҳлил этиш, ностандарт қарорлар қабул қилиш, мустақил жанговар вазифаларни бажариш вақтида бўлинмаларни моҳирлик билан бошқариш бўйича қатъий малакани шакллантиришга, мутахассисларнинг бир-бирининг ўрнини боса олиши ва бўлинмаларнинг юксак даражада уйғун ҳаракат олиб боришини таъминлаш мақсадида, шахсий таркибнинг ўзаро яқин мутахассислик турларини, янги техника ва қурол-яроғларни эгаллашига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шу муносабат билан кенг билим ва тафаккурга, юксак профессионал ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал жиҳатдан ривожланган, шиддатли тарзда амалга ошириладиган замонавий жанговар ҳаракатлар шароитида, ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо этишга қодир бўлган ҳарбий кадрларни самарали тайёрлаш масаласи ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Сержантлар корпусини тайёрлашни мустаҳкамлаш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш ғоят муҳим вазифаларимиз қаторига киради.

Сержантлар тайёрлаш мактаблари фаолиятини янги, замонавий талабларга мувофиқ ҳолда ҳар томонлама янгилашни назарда тутадиган, кичик командирларни тайёрлашнинг кўп бўғинли ягона тизимини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Профессионал жиҳатдан пухта тайёрланган сержантлар таркиби сўзда эмас, амалда армиямизнинг таянчи ва ўзагига айланиши зарур. Чунки ҳар қайси ҳарбий жамоадаги ахлоқий-руҳий ва маънавий муҳит кўп жиҳатдан айнан уларга боғлиқдир.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этиш, уларни ҳар томонлама қулай уй-жойлар, замонавий социал-маиший шарт-шароитлар, сифатли тиббий хизмат билан таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастурларини тўлиқ рўёбга чиқариш ва ана шу мақсадлар учун ажратиладиган бюджет маблағларини янада кўпайтириш масалалари ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолиши даркор.

Қадрли дўстлар!

Армиямизнинг бўлғуси аскар ва офицерларини чақириққача бўлган даврда тайёрлашнинг ўрни ва аҳамиятини, уларнинг мазкур машаққатли касбни танлашга онгли ёндашиши нақадар муҳим эканини бугун алоҳида таъкидлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, албатта.

Шу муносабат билан таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда аҳолининг кенг қатламлари, жумладан, ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучларимиз фахрийларини жалб этган ҳолда, ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишларни фаоллаштириш, бўлғуси аскарларнинг онгу тафаккурини, юртимиз тарихига оид билимларини ошириш, жисмоний чиниқтириш талаб этилади. Ҳарбий хизмат, ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва армиямизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан мамлакатимиз фуқароларини хабардор этишда оммавий ахборот воситалари ва Интернетнинг миллий тармоғи имкониятларидан фаол фойдаланиш зарур. Бу борада расмиятчилик ва юзаки ёндашувларга йўл қўймаслик, ёшларимиз қалбида Ватанимизга чуқур меҳр-муҳаббат, унинг Қуролли Кучлари билан ғурурланиш ва ҳарбий хизматга ғурмат туйғусини тарбиялаш лозим.

Бундай долзарб ва узоқ муддатга мўлжалланган вазифаларни амалга оширишда Мудофаа вазирлиги қошида ташкил этилган Жамоатчилик кенгаши, кенг жамоатчилик вакиллари, маданият, санъат ва спорт намояндалари алоҳида рол ўйнаши керак.

Ҳурматли ватандошлар!

Барчамиз учун алоҳида қадрли бўлган мана шу қутлуғ айёмда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллигини байрам қилар эканмиз, ҳаммангизни, бутун халқимизни Ватан ҳимоячилари куни билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, барча ҳарбий хизматчилар — аскар ва сержантлар, офицер ва генералларга, бугунги кунда миллий армиямиз сафларида мураккаб жанговар хизматни адо этаётган, ўзининг шарафли ва масъулиятли ҳарбий бурчини бажаришда жонбозлик кўрсатаётган барча юртдошларимизга самимий миннатдорлик билдираман.

Ҳаммангизга мустаҳкам соғлиқ, катта ютуқлар, Ватанимизга садоқат билан хизмат қилиш йўлида куч-ғайрат тилайман.

Янги — 2014 йилда сизларга, оилаларингизга тинчлик-омонлик, бахт ва омад, қут-барака доимо ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони

МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИЛАРИ

«Туркистон» саройида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди

Миллий армиямиз юртимизда қарор топган тинч-осойишта ҳаёт, мамлакатимиз хавфсизлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқонидир. Шунинг учун ҳам халқимиз Ватан ҳимоячилари кунини миллий байрам сифатида кенг нишонлайди. Ҳарбий хизматчиларни осуда ва обод ҳаётимиз қўриқчилари сифатида эъзозлайди. 13 январ. «Туркистон» саройи байрамона безатилган. Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, аскар ва сержантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари ташриф буюрган. Байрам тадбирини Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

(Давоми 2-саҳифада).

6 — 10 январ кунлари Самарқанд вилоятидаги ҳарбий округлар, ҳарбий билим юртлари, ҳарбий қисмларда Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб санъаткорлар, бадиий жамоалар, ёзувчи-шоир, олим ва мутахассислар иштирокида маданий-маърифий учрашувлар ўтказилди.

Қарорғимда асрайман

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши масъуллигида «Армия мустақиллигимиз ва эркинлигимизнинг кафолатидир», «Армияда хизмат шарафлидир», «Армия — халқимизнинг қалби» мавзуларида ўтган тадбирлар қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Хусусан, Самарқанд Олий ҳарбий автомобил қўмондонлик муҳандислик билим юртида ҳамда Н-ҳарбий қисмда ташкил этилган тарғибот тадбирларида 800 нафардан ортиқ курсант, аскар, ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзолари иштирок этишди.

(Давоми 2-саҳифада).

Бухоро вилоят мусиқали драма театрида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи М. Эсанов маъруза қилди.

Эъзоз

— Муҳтарам Юртбошимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг бевосита раҳнамолигида Ўзбекистон Қуролли Кучлари ўтган тарихан қисқа даврда мураккаб шаклланиш йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда сон жиҳатдан ихчам, ҳаракатчан, замонавий талабларга жавоб берадиган, яхши тайёргарликка эга бўлган армия сифатида ўзини намоён этмоқда, — деди у, жумладан. — Натижада армиямиз нафақат Ватанимиз чегараларини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилувчи куч, балки мустаҳкам ирода ва характер, мустақил фикрлаш қобилияти шаклланадиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ҳақиқий профессионал малака ошириш мактабига айланди.

Шундан сўнг Бухоро шаҳридаги ҳарбий қисм сержанти Элмурод Жўраев, аскар онаси Дилрабо Рамазонова, Бухоро муҳандислик техника институти талабаси Шокир Авезов, оддий аскар Сардор Каримовлар Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш юксак ишонч, масъулият, шон-шараф эканлигини эътироф этиб, миллий армия хизматини ўтаб қайтган ёшларга берилган имтиёз ва имкониятлар учун миннатдорлик билдирдилар.

Тадбирда бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга халқ депутатлари вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқ ва касаба уюшмалари ҳамда бир қатор ҳомий ташкилотларининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Янгиликлар оқимидан

ФАРҒОНА

Яқинда Қува тумани «Сўфи» МФЙ ҳудудида яшовчи санъатсевар ўқувчилар қурувчилардан ажойиб совға олдилар.

ЎҚУВЧИЛАРГА СОВҒА

— Янги йилдаги илк машғулотларни замонавий лойиҳа асосида қад ростлаган икки қаватли кўркам бинода бошладик, — дейди 13-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори Шаҳноза Раҳимова. — Бу ерда фортепиано, ўзбек халқ чолғулари, анъанавий ижро, зарбли чолғулар, амалий ва тасвирий санъат, хор каби олти йўналишда 151 нафар ўқувчига 29 нафар мутахассис сабоқ бермоқда.

200 ўринли концерт зали ҳам янгидан қурилди. Томоша залида турли маданий тадбирлар ўтказиш одат тусига кирган.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

АНДИЖОН

«Асака тасанно омад люкс» бозор мажмуасида яна 300 та иш ўрни яратилди.

САВДО МАЖМУАСИДА

Ўтган йилнинг апрел ойида фойдаланишга топширилган савдо мажмуаси 4,7 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, ҳозирда 500 нафар тадбиркор иш олиб бормоқда. Мажмуада сотувчи ва харидорлар учун қулайлик яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Минибанк, тиббиёт ва милиция таянч пунктлари улар хизматида.

Бозор адир ҳудудида жойлашгани сабабли сув муаммоси юзага келарди. Йил давомида тадбиркорлар ва бозор маъмурияти кўмагида 270 метрлик чуқурликдан сув ҳам қазиб чиқарилди.

Бугун бозорда водий вилоятларининг турли ҳудудларидан келган харидорларни учратиш мумкин.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

СУРХОНДАРЁ

Қумқўрғон туманининг «Янги шаҳар» маҳалласи ҳудудида янги «Бахт уйи» қурилаяпти. Хусусий корхона бунёдкорлари томонидан тикланаётган мажмуага 1 млрд. сўм сарфлаш режалаштирилган.

ҚУМҚЎРҒОНДА «БАХТ УЙИ»

Ушбу бино бетакрор кўринишга эга бўлади, — дейди хусусий корхона раҳбари Алишер Ниёзов. — Унда аризалар қабул қилиш бўлими, маслаҳатхона, тантаналар зали, нотариал идора учун махсус хоналар мавжуд. Ҳудуд атрофида боғ ташкил этилади. Ҳозирда 3 та бригадамиз қурувчилари 3 навбатда ишлаяпти. Уларга иш ва дам олиш шароити яратилган. Насиб этса, Наврўз байрами арафасида «Бахт уйи» қумқўрғонликларга совға сифатида топширилади.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

ҚАШҚАДАРЁ

Турли миллат вакиллари яшайдиган Нуристон шаҳарчасида тадбиркор Умар Йўлдошев «Нуристон-Шаҳризод Барака» хусусий корхонасини ташкил этиб, акфа эшикромлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

МИЖОЗЛАР МАМНУН

Айни пайтда уста-ҳунармандлар Акром Жўраев, Алишер Валиев ва Суннатулла Ибодуллаевлар ясаган эшик-ромлари барчага манзур бўлаётир.

Иззат ҲИКМАТОВ

Ishonch
2014-yil 14-yanvar № 6 (3355)

Эҳтиромга тўла кун

ТОШКЕНТ. Тошкент вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, «Гулистон» МФЙ ҳамкорлигида Зангиота туманида ташкил этилган тадбирда чегара қўшинлари фахрийлари, ҳарбий хизматчилар, хизмат даврида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ҳамда чақирув ёшидаги ёшлар иштирок этди.

Тадбир ҳарбий қисм ҳудудида уюштирилган кўргазма билан бошланди. Унда замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямиз фаолиятидан лавҳалар акс этган эди.

Сўнг ҳарбий қисм мажлислар залида маданий тадбир бошланди.

Тадбирда Ватан олдидаги бурчини, жанговар вазифаларни намунали бажарган ҳарбийлар, хизмат даврида ҳалок бўлган ҳарбийларнинг оила аъзоларига алоҳида эҳтиром кўрсатилди. Шунингдек, Сурхондарё вилоятининг чегара қўшинларида йигитлик бурчини сидқидилдан адо этаётган бир қатор ёшларнинг оналарига ҳурмат бажо келтирилди. Улар Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда «Гулистон» МФЙ совғалари, «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири

* * *

СИРДАРЁ. Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Сирдарё вилоятида жойлашган ҳарбий қисмларда «Ўзбекистон — ягона Ватаним» шиори остида турли тадбир ва учрашувлар ташкил этилмоқда.

Жумладан, Сирдарё туманида жойлашган Н-сонли авиация ҳарбий қисмида вилоят ҳокимлиги вакили Х.Нажмиддинов, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси К.Оқбўтаев ва бошқалар иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ўзининг юксак самарасини бераётгани, ҳарбий хизматнинг ёшларимиз учун ҳақиқий мардлик, чиниқиш ва тобланиш мактабига айланганини таъкидлашди.

— Бу каби учрашувлар кенг жамоатчиликда миллий армиямиздан ғурурланиш, фахрланиш туйғуларини шакллантиради, эртанги кунга умид, ишончни мустаҳкамлайди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси К.Оқбўтаев.

Тадбир жараёнида иштирокчилар ватанимиз ҳимоячилари учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишишди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

* * *

АНДИЖОН. Андижон ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари томонидан Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида телемулоқот ташкил этилди.

Мамлакатимизда замонавий технологияларнинг ҳаётга кенг татбиқ этилаётгани самараси ўлароқ андижонлик ота-оналар телекўприкда иштирок этиб, Самарқандда хизмат қилаётган фарзандлари ҳолидан хабар олишди. Ўз навбатида, самарқандлик ота-оналар Андижонда хизмат қилаётган жигарлари билан дийдорлашишди.

* * *

Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан «Мардлар қўриқлайди Ватанни!», «Ватан остонадан бошланади!», «Ватанни севмоқ иймондандир» каби шиорлар остида ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирларда ёшлар қалбида она-Ватанга муҳаббат уйғотиш, уларни юртпарвар ўғлонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда бўлиб ўтган байрам тадбирида касаба уюшма етакчилари, ҳарбий қисм қўмондонлари, офицер ва аскарлар иштирок этди. Хизматда алоҳида жасорат кўрсатган ҳарбийларнинг бир қисмига касаба уюшма совғалари ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

Тақдирлаш ҳарбийлар иштирокидаги концертга уланиб кетди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

* * *

ЖИЗЗАХ. Абдулла Қодирий номли Жиззах давлат педагогика институтида бўлиб ўтган телемулоқотда жиззахлик ота-оналар Бухоро вилоятида хизмат қилаётган ва ўз навбатида, бухоролик ота-оналар Жиззахда йигитлик бурчини ўтаётган аскар фарзандлари билан дийдорлашишди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ш.Ахорова иштирок этиб, сўзга чиқди.

— Телекўприк орқали ўғлим Сардоржон билан дийдорлашганимдан бениҳоя мамнунман, — дейди жиззахлик А.Набихўжаев. — Ўғлим жисмонан чиниқиб, маънан улғайибди. Ҳарбийларга яратилган шарт-шароитдан кўнгилимиз тўлди.

Қуролли Кучларнинг 22 йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматда алоҳида ўрнак кўрсатган гуруҳларга фахрий ёрлиқлар топширилди.

* * *

Жиззах шаҳрининг «Заргарлик» маҳалласида истиқомат қилувчи Зилола Азимовалар оиласи ҳар йили Ватан ҳимоячилари кунини ўзгача интиқлик билан қарши олади. Негаки, оила бошлиғи Самандар Кенжаев ҳарбий хизматчи эди. У мамлакатимиз мустақиллигини ҳимоялашда мардларча ҳалок бўлди. Бир ўғил, бир қиз Самандардан ёдгор бўлиб қолди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Шарофиддин Баҳриддинов, уй-жой ширкати раиси Мадина Тошпўлатова, шаҳар ҳарбий комиссариати вакили, майор Камолиддин Кичимовлар ушбу хонадонга ташриф буюриб, касаба уюшмалари ҳисобидан манзилли моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишди.

Бирлашма кенгаши корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳарбий хизматчиларнинг учрашувларини ташкил этиш баробарида «Юрт ҳимоясига барчамиз масъул» мавзуида маданий-маърифий тадбирлар, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари — юрт тинчлиги ва хавфсизлигининг кафолатидир», «Ҳарбий ислоҳот — замонавий профессионал армиянинг асоси», «Ҳушёрлик ва сергаклик — замон талаби» мавзуларида «Маънавият соатлари» ўтказилди.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш борасида ҳам кўплаб амалий ишлар қилинди.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

* * *

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Шимоли-Ғарбий ҳарбий округ Офицерлар уйида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

— Президентимиз раҳнамолигида Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли миллий армиямизнинг куч-қудрати йил сайин ошмоқда, — деди тадбирда сўзга чиққан Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раиси Зуҳра Ибрагимова. — Чегараларимиз дахлсизлиги, юрт тинчлиги ва мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини таъминлаш юрт посбонлари зиммасидаги масъулиятли ва шарафли ишдир.

Биз Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди сингари буюк аждодларимизнинг қаҳрамонликлари руҳида тарбия топган халқмиз. Зеро, доим уларга муносиб ворислар бўлишга интиламиз.

— Оилада ўғил фарзанд таваллуд топса, юрт ҳимоячиси туғилди, деб хурсанд бўламиз, — деди ҳарбий қисм касаба уюшмаси фаоли, офицер Лочинбек Расулов. — Ҳозирда ҳарбий хизматчиларимизга яратилаётган имкониятлар, берилаётган имтиёзлар Қуролли Кучларимизнинг нуфузини тобора ошириб, салоҳиятини юксалтирмоқда.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ.Бердиев ўқиб эшиттирди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг фармони билан 1991 йил 6 сентябрда Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. Давлатимиз раҳбарининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган қарорига мувофиқ мамлакатимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига ўтказилди. Ўша кундан эътиборан миллий армиямизга асос солинди.

Ана шу тарихий кун — 14 январ мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни сифатида кенг нишонлаб келинмоқда.

Ўтган вақт мобайнида Қуролли Кучларимиз ташкилий ва таркибий жиҳатдан янада такомиллашди. Тузилмаларнинг ҳаракатчанлиги, жанговар қобилияти, ҳарбийларнинг жисмоний ва маънавий-маърифий тайёргарлиги ошди. Қисм ва бўлинмалар замонавий қурол-яроғ ва жанговар техника билан таъминланди.

Миллий армиямизни профессионал кадрлар билан тўлдириш, ҳарбий хизматчиларнинг тайёргарлигини, билим ва кўникмаларини янада юксалтириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Ҳарбий ўқув ҳамда машғулотлар илм-фан ва техниканинг илғор ютуқлари асосида ўтказилмоқда. Олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳар қандай хавф-хатарни чуқур таҳлил этишга қодир, тезкор қарорлар қабул қила оладиган, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларига эга офицер кадрлар тайёрланмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, шартнома асосида хизмат қилувчилар сафининг кенгаяётгани, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматнинг жорий этилгани натижасида армиямизнинг қиёфаси, ҳарбий жамоалардаги маънавий муҳит тубдан ўзгарди. Ҳарбий хизмат ёшларда мустаҳкам ирода ва характерни шакллантирадиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ўзига хос мактабга айланди.

Бунинг натижасида ёшлар орасида ҳарбий хизматга қизиқиш ва интилиш тобора кучайиб бораётир. Йигитлар бундай шарафга лойиқ бўлиш учун ҳар томонлама тайёргарлик кўрмоқда. Болалигидан спорт билан шуғулланиб, фанларни чуқур ўрганиб, жисмонан ва ақлан баркамол бўлиб вояга етмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида қабул қилинаётгани армия сафларини жисмоний тайёргарлиги ва интеллектуал салоҳияти юқори йигитлар билан тўлдиришда муҳим омил бўлмоқда. Бунинг самарасида аскарлар жанговар тайёргарлик дастурларини, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланишни пухта ўзлаштирмоқда.

Ватан ҳимоячиларининг хизматни ўташ ва яшаш жойларидаги ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, резервга бўшатилган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳам доимий эътиборда. Хусусан, Янги — 2014 йил байрами арафасида ҳам юртимизнинг кўплаб ҳудудларида ҳарбийлар учун янги уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Минглаб ҳарбийларимиз байрамни оиласи билан янги уйда кутиб олди.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган фуқаролар мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 27 фоизи миқдорида имтиёзли баллга эга бўлмоқда. Бу уларнинг олий ўқув юртларига ўқишга кириб, касб-ҳунар эгаллаши, ҳаётда ўз ўрнини топишида катта имконият яратмоқда.

Бу йил Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда «Ўзбекистон — ягона Ватаним!» шиори остида нишонланмоқда. Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ушбу мавзуда ҳарбий қисм ва бўлинмаларда, барча вилоятларда, олис қишлоқ ва маҳаллаларда кўплаб учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда халқимизнинг юртимиздаги тинчлик-осойишталикни қадрлаши, бу азиз неъматни асраб-авайлашга барча ўзини бирдек дахлдор сезиши — Ўзбекистон ягона Ватан, бир тану бир жон экани намоён бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 10 январдаги фармонига мувофиқ, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи орден ва медаллар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

— Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик халқимизнинг энг катта бойлигидир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим бошлиғи, II даражали «Шон-шараф» ордени соҳиби, подполковник Отабек Камолов. — Мен ана шу бойликни асраб-авайлаш, мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ишига ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман. Президентимиз фармонига мувофиқ, шундай тантанали шароитда Ватанимизнинг юксак орденини кўксимга тақиш менга янада ғурур-ифтихор бағишлайди. Бундай ишончни оқлаш, халқимиз тинчлиги ва фаровонлиги, фарзандларимиз келажагини ҳимоя қилиш учун бор кучимни сарфлайман.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида анъанага айланган танловга асосан энг илғор олий ҳарбий таълим муассасаси, сержантлар тайёрлаш мактаби, мудофаа ишлари бошқармаси аниқланди. Тадбирда ана шу танлов ғолибларига диплом ва совғалар топширилди.

Йиғилишда сўзга чиққан «Шуҳрат» медали соҳиби, капитан Аборбек Ибрагимов, «Жасорат» медали соҳиби, кичик сержант Нозимжон Иброҳимов, аскар онаси Муяссар Воҳидова, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ва бошқалар байрам қатнашчиларини Ватан ҳимоячилари куни билан табриклаб, Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовга ҳарбий хизматчиларга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик изҳор этди.

Тантанали маросим катта байрам концерти билан якунланди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА мухбири.
Сарвар ЎРМОНОВ,
Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА)
олган суратлар

Президентимиз, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ҳарбийларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳарбийлар саломатлиги доимо эътиборда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 июлда қабул қилинган қарори асосида Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида ҳарбий-тиббиёт факултетининг ташкил этилиши Қуролли Кучларимизни профессионал даражада тайёрланган етук ҳарбий шифокорлар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Интеллектуал салоҳиятга эга, она юртига садоқатли, қўшинларда тиббий хизматни самарали ташкил этишга қодир, тиббий хизматнинг юқори малакали офицерларини, резерв ва захирадаги офицерлар таркибини тайёрлаш, Қуролли Кучлар тиббий ходимларининг ҳарбий ва касб тайёргарлиги даражасини мунтазам ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, махсус билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш, ҳарбий тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳарбий-тиббиёт факултетининг асосий вазифалари этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий тиббиёт муассасалари, Тошкент тиббиёт академиясининг клиника ва кафедралари мазкур факултетнинг ўқув базалари ҳисобланади.

— Мамлакатимизда ҳарбий шифокорларни тайёрлаш учун аввалларидек алоҳида олий таълим муассасаси мавжуд эмасди, — дейди Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факултети бошлиғи, тиббий хизмат подполковниги Жаҳонгир Собиров. — Бу эса Қуролли Кучларимизни малакали ҳарбий шифокорлар билан таъминлашда муайян қийинчилик туғдирарди. Ҳарбий-тиббиёт факултетининг очилиши зиммамизга улкан масъулият юклайди. Ана шу масъулиятни теран ҳис қилиб, Қуролли Кучларимизни малакали, ҳар томонлама етук ҳарбий шифокорлар билан таъминлашга бор куч ва имкониятларимизни ишга солган ҳолда ҳаракат қиляпмиз.

Айни пайтда ҳарбий-тиббиёт факултетидаги мавжуд кафедралар, барча шароит муҳайё этилган ўқув хоналари ва ётоқхоналар, замонавий техник воситалар, тренажёрлар, спорт зали, иккита кутубхона, замонавий жиҳозлар ҳамда компютерлар курсантлар ихтиёрида. Курсантларга катта илмий ва ҳаётий тажрибага эга тиббий хизмат офицерлари сабоқ беради. Курсантлар назарий машғулотлардан ташқари, ҳарбий дала-ўқув машғулотларида ҳам маҳоратини мунтазам ошириб боради.

— Ҳарбий-тиббиёт факултетига мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларининг бешинчи курсини даволаш иши йўналиши бўйича тамомлаган, ҳар томонлама соғлом талабалар махсус танлов асосида қабул қилинади, — дейди қўшинлар тиббий таъминотини ташкил этиш кафедраси бошлиғи ўринбосари, тиббий хизмат подполковниги Бобокалон Ҳалимов. — Ҳозир факултетимизда эллик етти нафар курсант таҳсил олмоқда. Асосий мақсадимиз бугунги кун талабига жавоб берадиган, замонавий билим ва кўникмаларга эга тиббий хизмат офицерларини тайёрлашдан иборат. Шуни фахр билан айтиш мумкинки, ушбу масъулиятли вазифани бажариш учун куч ва имкониятларимиз етарли, шарт-шароит талаблар даражасида. Ўқув юртида ташкил этилган турли тўгараклар ҳам курсантларнинг мустақил тайёргарлик кўришига хизмат қилаётир.

Курсант Рустам Ҳакимов Андижон тиббиёт институтида ўқиган. Илмий тадқиқотлари билан талабалар илмий жамиятида иштирок этган. Самбо бўйича нуфузли мусобақалар совриндори.

— Бизга ўз ишининг моҳир усталари бўлган ўқитувчи ва офицерлар таълим-тарбия бераётганидан жуда хурсандмиз, — дейди курсант Р.Ҳакимов. — Уларнинг сабоқлари тиббий хизмат офицери сифатида хизматни бошлашимизда қўл келади. Шу боис устозларимизнинг ҳар бир ўгитига қатъий амал қилишга интилаётирмиз.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Суратда: *(чапдан) Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида ҳарбий-тиббиёт факултет курсантлари Шавкат Қўчқоров ва Обид Жалолов.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА)
олган сурат

Қарорғимда асрайман

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Сержантлар тайёрлаш мактаби, Тойлоқ туманидаги Н-ҳарбий қисмларда ўтган маданий-маърифий тадбирлар эса 850 дан зиёд ҳарбий хизматчи ва курсантларга байрамона кайфият улашди. Ҳарбий хизматчиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 та компютер жамламаси совға қилинди.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган «Аскар оналарга эҳтиром» тадбирида Самарқанд, Бухоро, Навоий, Қашқадарё вилоятларидан таклиф этилган 250 нафар онахон ва уларнинг Самарқанд вилоятида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган 250 нафар фарзанди ҳамда 100 дан ортиқ маҳаллий аҳоли вакиллари қатнашди. Иштирокчилар учун тарихий қадамжоларга саёҳат ҳамда маданий тадбир ташкил этилиб, таниқли эстрада хонандалари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

8 январ куни Самарқанд Олий ҳарбий автомобил қўмондонлик муҳандислик билим юртига қарашли «Офицерлар уйи»да тарғибот гуруҳи вакиллари иштирокида «Мамлакатимиз қуролли кучлари — тинчлик ва осойишталигимиз гарови» мавзуида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Ушбу тадбирда Самарқанд шаҳридаги Н-ҳарбий қисмнинг аскарлари, ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари жам бўлишди. Шунингдек, ҳарбий қисмларда ўтказилган «Сени қарорғимда асрайман, Ватан!» мавзуидаги ижодий учрашув ва концерт дастури 300 дан ортиқ ҳарбий хизматчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Шу билан бирга, тарғиботчилар Каттақўрғон шаҳридаги Сафарбарлик чақирув резервидаги янги қурилган ётоқхона, ошхона ва ўқув биноларининг тантанали очилиш маросимида қатнашиб, мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган хайрли ишларни эътироф этишди. Ушбу тадбирда Мудофаа вазири ўринбосари, полковник М.Солиев иштирок этди. Шаҳар маданият уйида «Миллий армиямиз — ғуруримиз, ифтихоримиз» мавзуида концерт дастури уюштирилди.

«Армия мустақиллигимиз ва эркинлигимизнинг кафолатидир», «Армияда хизмат шарафлидир» мавзуларидаги тадбирлар Самарқанд Олий ҳарбий автомобил қўмондонлик муҳандислик билим юртига қарашли «Офицерлар уйи» ҳамда Самарқанд тиббиёт институтида ҳам ташкил этилди.

Сардор ЯҚУБОВ,
ЎЗКУФК маданий-маърифий ишлар бўлими етакчи мутахассиси

Ishonch
2014-yil 14-yanvar № 6 (3355)

Ҳар гал Термизда бўлганимда, чегарада турган аскаримизнинг боши узра ҳилпираётган байроғимизга-ю, уларнинг кўзига қарайман: доимо уйғоқ, доимо синчков. Сен борсан, аскар, биз тинч ухлаймиз. Тинчлик ва хотиржамлик — бебаҳо неъмат. Бир кеча тинч ухлаганимиз учун минг бора шукрона айтсак оз, бир кеча тинчлигимиз учун посбон бўлган аскарга юз карра қуллуқ қилсак кам! Бизлар учун, тинч яшашимиз учун ҳаловатидан кечган кишиларга ҳар қанча тасанно, айтсанг оз.

Уйғоқ кўзлар, сергак нигоҳлар ёхуд унутилмас таассуротлар

Минбардан табриклар янграйди:

— 14 январ — Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 22 йиллиги билан чин қалбимдан табриклайман!

Залнинг биллур қандиллари янада чароғон нур сочади, гулдурос қарсаклар ҳам ёқимли туюлади. Албатта, ёқимли-да! Аскар бўлган ҳам, аскар бўлмаган ҳам ҳарбий мундирга ўзгача боқади, қарсакни ҳам ўзгача чалади: осойишталик бор экан, Ватан осмони мусаффо экан, тунлари тоғларда ҳам бехавотир юрасан, бемалол ухлайсан. Ва яна қатор эзгу сифатлари учун бу кунни ўзгача байрам қиламиз. Қизлар, оналар қўлида гул. «Акамни табриклагани боряпман», «Аскар ўғлимизни қутлаб келайлик, дадаси!» Қандай ажойиб дақиқалар.

Темурийлар тарихи давлат музейининг катта мажлислар залида ўтирибман-у, навқирон аскарларга ҳавас билан қарайман. Ватан учун хизмат қилишнинг гашти ўзгача. Одам қанақадир бошқа оламда яшайди. Тўрт мучанг соғ ва сен халқинг тинчлиги учун хизмат қилаяпсан, шунга лойиқ бўлганинг қанчалар сурурли. Совчи келган куни қизнинг отаси — бўлажак қайнотанинг илк сўрови ҳам ўзгача: «Йигитимиз армияда хизмат қилганми?». «Ҳа», дейишингиз билан унинг юзи ёришади: «Дуруст, дуруст!»

Минбарда Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти доценти Ислом Иноятов, темуршунос олим Омонулла Бўриев маъруза қилишади. Қуролли кучларимиз, ҳарбийларимиз ва Амир Темур тўғрисида айтилаётган сўзларни ҳар бир қатнашчи жон қулоғи билан тинглайди. Сурхондарёлик отахон, «Фидокорона меҳнатлари учун» ордени соҳиби Хушбоқ ҳожи Тангриевнинг, қарилик гаштини сураётган Акбар отанинг самимий сўзлари гулдурос қарсаклар билан қарши олинди. Тинчлик қадрини, хотиржамлик нима эканлигини, юрт ободлиги — катта неъматлигини айнан шулар — нуронийлар биздан кўра теранроқ тушунадилар ва юксакроқ қадрлайдилар.

Ижодкорлар Рустам Мусурмон, Ғайрат Мажид, Анора Йўлдошеванинг аскарларга бағишлаган шеърлари ҳам юракларни... «рақсга тушириб юборди». Бунақаси камдан-кам бўлади.

Зулфиячи қизларнинг «Ёр ва аскар йигит» ҳақидаги ҳазил ашъоридан сўнг залнинг чеҳраси баҳордан ҳам гўзаллашиб кетди, десам ишонаверинг.

Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсантларининг хор ва ҳарбий оркестри чиқишлари кўнгилларга майин ва ширин, юксак ва жарангдор оҳангларни бошлаб кириб, ҳузурбахш ором берди, десак, уларнинг шаънига ярашиқли сўз айтган бўламиз. Хизмат қилганга раҳмат, дейдилар. Бу ҳам табрик-да!

Халқаро Амир Темур хайрия фонди раиси Н.Ҳабибуллаев аскарларга Амир Темур ва Темурийлар ҳақида ҳикоя қилувчи тўплам китобларни совға қилди. Байрам ва китоб — муштарак улуғ туйғулар! Тадбирдан сўнг музей заллари бўйлаб саёҳат қилганлар чиндан ҳам байрам таассуротлари билан кўнгилларини обод этдилар. Обод кўнгилда Ватан ҳам яшариб кетади, дейдилар. Кўзлар-чи?! Чегарада турган аскар кўзлари! Ана шу кўзлар уйғоқки, бугун ҳам тинч ва хотиржам байрам қилдик, яйрадик, қувондик, енгил тортдик ва ўз армиямиз, аскар йигитларимиз билан ғурурландик! «Сиз хотиржам яшанг, байрамларда ёш боладек қувнанг!» Уйғоқ кўзларнинг жиддий қарашларида ана шу сўзларни ўқийман-у, янада хотиржам тортаман! Қандай ажойиб юртим ва қандай мард ўғлонларимиз бор! Яна бир карра байрам билан қутлаймиз, муҳтарам ҳарбийлар!

Тўлқин ҲАЙИТ,
Халқаро Амир Темур хайрия фонди раиси ўринбосари,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Халқимиз азалдан тинчликни қадрлаб, Ватан ҳимоячиларига алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатиб келади. Мустақиллик йилларида ушбу тушунчалар янгича мазмун-моҳият касб этаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Юрт тинчлиги — олий бахт

Факултетимизда чақириққача ёшларни тайёрлаш фани ўқитувчилари тайёрланади. Ўтган ўқув йилида 57 нафар кадрни захирадаги офицер-лейтенант унвони билан мустақил ҳаётга кузатдик. Айни пайтда эса 315 нафар талаба таҳсил олмоқда. Уларга 20 нафар малакали офицер-ўқитувчи машғулотларни давр талаби асосида олиб бормоқда. Назарий ва амалий жараёнларда тактик тайёргарлик, саф тайёргарлиги, ҳарбий топография, умумҳарбий низомлар фанларининг чуқурлаштирилган ҳолда ўтилиши ёшларда катта қизиқиш уйғотяпти.

Байрам муносабати билан кўплаб тадбирлар ўтказдик. Чунончи, ҳарбий кафедранинг офицерлари университетимиз ҳузуридаги «Компютер ва ахборот технологиялари» академик лицейида ёш ватанпарвар ўқувчилар билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Қуролли Кучлари — тинчлик ва осойишталик гарови», Бухоро шаҳар академик лицейида эса «Халқ ва армия бир тану бир жон» мавзуларида давра суҳбати ва учрашувлар ташкил этилди. Айниқса, «Армиямиз — мустақиллигимизнинг ишончли посбони» мавзуидаги тадбир эсда қоларли воқеа бўлди. Шунингдек, талабалар турар жойларида уюштирилган Қуролли Кучлар фахрийлари билан учрашувлар, ҳарбий қисмларга ташриф, ҳарбий спорт мусобақалари, маданий-маърифий тадбирлар байрамга ўзгача файз бағишлади.

Байрам тадбирлари доирасида университетимиз жамоасининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қодир Жўраев билан учрашуви бўлди. Депутат Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги байрамида қилган маърузасидан келиб чиқадиган мақсад ва вазифаларга батафсил тўхталди.«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур» деган пурмаъно ҳикмат бугун диёримизда ўз исботини топаётганини алоҳида эътироф этилди.

Шерзод АБДУРАҲМОНОВ,
Ҳусен САФОЕВ,
Бухоро давлат университети ҳарбий кафедраси ўқитувчилари

Сарҳадларда сергак ўғлонлар



Президентимиз раҳнамолигида Қуролли Кучларимиз салоҳияти ва куч-қудратини юксалтиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ўзининг юксак самараларини бермоқда. Миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган ҳарбийларимиз учун барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳарбий қисмларидан бирида бўлганимизда бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Ҳудуд саранжом-сариштa экани киши эътиборини тортади. Ҳарбий интизом, тартиб-қоида деганлари шу-да!

Аскарлар машғулот ўтказадиган, ўқув-тарбиявий ишларни олиб боришга мўлжалланган махсус жиҳозланган хоналарда ўз иши билан банд. Ижозат сўраб, маънавият хонасига киргач, уларни суҳбатга тортдик. Аскар йигитлар даврасида гурунгимиз қизиди. Уларга боқиб, бугун чегарачилар сафида жисмоний етук ва юксак интеллектуал салоҳиятга эга, ҳар томонлама соғлом йигитлар хизмат қилаётганига амин бўлдик.

Жиззах вилоятининг Арнасой туманидан хизматга чақирилган Ботир Суюнов оилада тўрт ўғилнинг иккинчиси экан. У Арнасой ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежини битирган, аввалига отасига фермер хўжалиги ишларида ёрдам берган.

— Ҳамқишлоғим Фаррух Жўраев армиядан келганида, унинг ўзига ярашиб турган либосини кўриб, ҳавасим келган эди, — дейди у. — Мана, жонажон Ватанимиз сарҳадларини қўриқлашдек бахтга муяссар бўлдим. Бу ерда намунали хизмат қилиб, қўмондонликнинг имтиёзли тавсияномаси асосида Тошкент ахборот технологиялари университетига ўқишга кириш ниятим бор.

Ташқарида қаҳратон қиш бўлса-да, юмшоқ кроватлар, кийим-кечак жавонлари, телевизор ва бошқа зарур анжомлар билан жиҳозланган ёруғ ва шинам хоналарда ҳарорат 20 даража иссиқ. Ошхона, спорт зали, кутубхона – барча-барчаси кўзни қувонтиради.

Суратда: *(ўртада) лейтенант Азизбек Хўжаев шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар Жаҳонгир Алланов, Жалолиддин Камолов ва Элдор Аҳмаджонов билан.*

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ
(ЎзА) олган сурат

Ҳарбий соҳа вакиллари ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлашда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг ҳиссаси катта бўлаётир.

Муқаддас бурч

Жумладан, жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги Тиббий ижтимоий патронаж бригадалари шифокорлари жойлардаги Соғлиқни сақлаш бошқармалари мутахассислари билан ҳамкорликда ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиб, уларга соғлом турмуш тарзи ва уни тўғри шакллантиришга оид тегишли тиббий маслаҳатлар бериб келишаётир.

Жамғарма томонидан Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан жойлардаги ҳарбий қисмларда маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталида «Ўзбегим ёшлари» гуруҳи ҳамда Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида «Суғдиёна» ўзбек миллий чолғулари камер оркестри иштирокида ўтган тадбирлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Тинчлик бор жойдагина келажак ҳақида орзулар қилинади. Кимдир илм поғоналарини забт этиш билан, бошқаси ер эгаси сифатида элнинг дастурхонини нозу неъматларга тўлдириш билан банд... Демакки, мард ўғлонларимиз нафақат Ватан сарҳадлари, балки тараққиёт посбонлари ҳамдир. Обод диёримиздаги байрамў сайиллар, ҳар гўшадаги тўй-ю тантаналарнинг бехавотир ўтиши ҳам чегараларда сергак турган аскару офицерларнинг хизмати туфайлидир.

Аждодларга муносиб

— Байрам арафасида Ватан ҳимоячиларини қутлаш ва уларга яратиб берилаётган шарт-шароит билан яқиндан танишиш мақсадида Поп туманининг Ғурумсарой қишлоғида жойлашган Н-ҳарбий қисмга жамоатчилик вакиллари ташриф буюришди. Шу муносабат билан ҳарбий қисм клубида «Мардлар қўриқлайди Ватанни!» номли маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи директори ўринбосари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси Мурод Зикруллаев, Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази бош мутахассиси, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси Ойбек Мусурмонқулов, вилоят ҳокимининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Тоҳир Дадахонов, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Зулайҳо Маҳкамова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими раҳбари Жамолиддин Муслим сўзга чиқишди. Тадбир сўнгида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳарбий қисмга телевизор туҳфа қилди.

— Эътибор ҳар қандай кўнгилни юксалтиради, — дейди ҳарбий қисм командири Жамшид Каримов. — Аскарнинг ортида Ватани, яқинлари турганлиги уни ҳар доим руҳлантириб туради. Бугунгидек тадбирларнинг ташкилотчиларига катта раҳмат. «Мамлакат лашкарлари ва фуқаролари фидойилиги эвазига тараққий топади», деган эди Соҳибқирон бобомиз. Биз айни фаолиятимизда аждодларимизнинг шу каби ўгитларига амал қилишга интилмоқдамиз.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Мудофаага кўмак

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Кумкўрғон туман ўқув спорт-техника клубида ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, техник мутахассислар тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини янада юқори савияга кўтариш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

— Ўтган йили 487 нафар «В» ҳамда «ВС» тоифали ҳайдовчи тайёрлашга эришилди. Тингловчиларимиз имтиҳон ҳайъати қабул қилган синовлардан муваффақиятли ўтишди. Албатта, бунда жонкуяр, фидойи ўқитувчиларимиз Сафар Ярашев, Фахриддин Қорахонов, Раҳмон Чориев, Ҳусан Тошмуродовларнинг алоҳида хизмати бор. Ҳозирда тажрибали устозлар олий ўқув юртини муваффақиятли тамомлаган бир гуруҳ ёшларга касб маҳоратини ўргатишмоқда, — дейди туман ўқув спорт-техника клуби раҳбари Алимардон Хидиров.

Клубда 10 та турли русумдаги автомобилларни бошқариш, хавфсиз ҳаракатланиш бўйича дарслар ташкил этиляпти. Ўқув жараёнида Сурхондарё вилоят Ички ишлар бошқармасининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг РИБ ходимлари билан тез-тез қўшма тадбир ва рейдлар ўтказиш йўлга қўйилган.

Клубда спортнинг техник ва амалий турларидан ҳаволи милтиқдан ўқ отиш, дуатлон ва триатлон каби 3 та секцияси мунтазам ишлаб турибди. Бу тўгаракларга 54 нафар ёш жалб қилинган. Тўгарак аъзоларидан Зафар Юсупов, Юсуф Умаров, Ҳилола Халилова, Ойнахол Пардаева, Достонбек Соатов, Мунира Абдужабборовалар вилоят ва республика мусобақаларида фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Спортчиларнинг бундай муваффақиятларга эришишида клуб раҳбари Алимардон Хидировнинг малакали ҳайдовчилар тайёрлаш сифатини яхшилаш борасида бир қанча услубий қўлланмалари ҳам асқотмоқда.

— Клубимиз раҳбарияти билан 2012 — 2014 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномаси асосида қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди клуб касаба уюшма қўмитаси раиси Барно Соатова. — Байрамларда ва ҳар чоракда моддий рағбатлантириш йўлга қўйилган. Ёз мавсумида Сангардак, Хонжиза тоғ ён бағирларида дам олишни ташкил этамиз. Ҳар йили ходимларнинг фарзандларини оромгоҳларда соғломлаштиришга кўмаклашаяпмиз.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Шарафли касб эгалари

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Фарғона шаҳридаги «Отчопар» мажмуасида «Ўзбекистон — ягона Ватаним» номли тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирни вилоят ҳокими Шуҳрат Ғаниев очиб, армиямиз салоҳияти, тинчлик ва осойишталигимизни асраб-авайлашда олдимизда турган вазифалар ҳақида сўзлади. Шундан сўнг ҳарбий, ҳуқуқ-тартибот ва ўз-ўзини бошқариш органларида самарали хизмат қилиб келаётган бир қатор хизматчилар тақдирланди.

Шарқий ҳарбий округ қўмондонлиги бўлинмаларининг ҳарбий саф ва техникаларда ўтиши, кучли тайёргарлик ва юқори технологиялар асосида қуролланган махсус отрядларнинг маҳорат намойишлари юртдошларимиз қалбида фахр ва ифтихор туйғусини уйғотди.

Вилоят от спорти федерацияси ҳамда Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг кўргазмали чиқиши ҳам тадбир иштирокчиларига манзур бўлди. Санъат усталарининг куй-қўшиқлари ва ўзбекона аскиялар йиғилганларга кўтаринкилик бахш этди.

Пазандалик намойиши бўйича ҳар бир туманнинг ўзига хослигини ифодаловчи «Ош» фестивали эса тадбирга ўзгача файз улашди.

«Зобитлар уйи»да Шарқий ҳарбий округ қўмондонлиги томонидан ташкил этилган ҳарбий ватанпарварликни мадҳ этувчи қўшиқлар ва шеърлар танловининг вилоят босқичи иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан 9 нафар мамлакатимиз мустақиллигини ҳимоя қилишда ўз жонини фидо қилган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига манзилли моддий ёрдам, ҳарбий хизматда узоқ йиллар ишлаб, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этган 10 нафар кекса фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

Ғ.ПАЙЗИЕВ,
Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири

Jshonch
2014-yil 14-yanvar № 6 (3355)

2014 йил — Соғлом бола йили

Тўрт йил муқаддам Самарқанд тумани электр тармоқлари корхонаси ходими Анвар Шаропов хонадонида уч эгизак дунёга келди. Корхона маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти ушбу оилага ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак беришга қарор қилди. Ҳасан, Ҳусан ва Тоҳир уч ёшга тўлганида уларга аравачали велосипедлар туфҳа этилди. Ҳаш-паш дегунча йиллар бир-бирини қувиб ўтди. Ҳозир эгизаклар беш ёшни қаршилаш арафасида.

Туҳфа

— Эгизакларни табриклашга отланаяпмиз, фурсат бўлса, шерик бўлинг, — дея телефон орқали таклиф қилди вилоят ҳудудий электр тармоқлари корхонаси касаба уюшма ташкилоти раиси Раҳмат Зулпонов.

Болажонларга аталган велосипед ва бошқа совғаларга лиқ тўла машинада йўлга тушдик. Ниҳоят, Самарқанд туманининг «Обод турмуш» маҳалласида янги барпо этилган замонавий уй қаршисида тўхтадик.

— Омад келса, қўша келаркан, — дея кутиб олди Ўлмас Шаропов. — Набиралар хонадонимизга бахт олиб келди. Туманимизда намунавий лойиҳа асосида қурилган уйлардан бирини оиламизга ажратишди. Фарзандларимиз барча шароитга эга хонадонда катта бўлишаяпти.

Янги ҳовлида бу йил болаларнинг суннат тўйларини ўтказиш мўлжалланаётир.

— Хонадон аъзоларидан уч нафари шарафли нурчилик касбини сидқидилдан адо этиб келмоқда, — дейди касабақўм Раҳмат Зулпонов. — Улар ишда ҳам, ҳаётда ҳам барчага ибрат. Ўлмас Шаропов ўттиз уч йилдан буён шу соҳада ишлайди. Икки ўғил ҳам ота изидан боришаяпти.

Файзли хонадонда улғаяётган болажонларга янги йил совғалари катта хурсандчилик бағишлади.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Велотрек

10-12 январ кунлари Гонконгда велотрек бўйича «Гонконг Халқаро кубоги — 2014» мусобақалари бўлиб ўтди. Унда барча ёшдаги спортчилар — эркак ва аёллар, сараланган пойгачилар ва ўсмирлар беллашди.

Владимир – халқаро кубок совриндори

Мусобақада дунёнинг турли мамлакатларидан келган 10 та терма жамоа иштирок этди. Юртимиз шарафини Л. Маркелова ва А. Абдураҳимов мураббий бўлган Владимир Тўйчиев, Димитрий Лозовой, Темур Гумеров, Алла Безуглова, Екатерина Кнебелевадан иборат терма жамоа ҳимоя қилди. UCI таснифига биноан мазкур мусобақа Class 1 даражасига мувофиқ келади. Бу эса иштирокчиларга қимматли баллар олиш, миллий ва халқаро рейтингдаги очколар сонини ошириш имконини беради.

Спортчиларимиз скретч, очколар бўйича жамоавий пойга, омниум турларида иштирок этди. Юртдошимиз Владимир Тўйчиев (сараланган спортчилар ўртасидаги) очколар бўйича жамоавий пойгада учинчи ўринни қўлга киритди.

Алена САПАРОВА,
Ўзбекистон велоспорт федерацияси матбуот котибаси

Спорт

Журналистлар ҳам анойи эмас

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Хоразм вилояти кенгаши тасарруфидаги вилоят техник ва амалий спорт турлари маркази тирида пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича ўтказилган вилоят биринчилигида воҳада фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари мерганлик борасидаги маҳоратларини намойиш этишди.

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ташкил этилган мусобақанинг эркаклар биринчилигида Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг Хоразм вилояти бўйича мухбири Аҳмаджон Шокиров голибликка эришди. «Хоразм маърифати» газетаси мухбири Икром Худойбергонов эса шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди. Фахрли учинчи ўрин вилоят ҳокимлигининг ахборот хизмати ходими Санжар Қозоқовга насиб этди. Аёллар баҳсида «Хорезмская правда» газетаси мухбири Латофат Саилхонова шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. «S – Иқбол» телестудияси ходими Гулноз Раҳимова иккинчи, «Камила + » хусусий корхонасига қарашли «8-TV» телеканали мухбири Гулора Тожиева учинчи ўринни қўлга киритди.

Биринчиликнинг ёпилиш маросимида сўз олган Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмасининг вилоят бўлими масъул котиби С. Раҳимберганова, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Д. Бекчонова ва бошқалар воҳа журналистларига кўрсатилган ҳурмат ва эътибор учун мусобақа ташкилотчиси — Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгашига миннатдорлик билдирди.

«ВАТАНПАРВАР» ҒОЛИБ

Урганч бирлашган техника мактабида ўзига хос мусобақа ташкил этилди. Унда спортчилар 1000 метрга югуриш, тош кўтариш ва пневматик милтиқдан ўқ отиш борасида маҳоратларини намойиш этди.

Якуний ҳисобларга кўра, «Ватанпарвар» жамоаси ғолибликни қўлга киритди. «Жалолиддин Мангуберди» ва «Автомобилчи» жамоалари кейинги ўринларни эгаллашди. Низомиддин Жабборов (югуриш), Баҳром Бобожонов, Сарвар Иброҳимов (тош кўтариш), Юлдуз Ражабова (ўқ отиш)лар ташкилотчилар томонидан мусобақанинг энг фаол спортчилари деб топилди.

Ғолиб ва совриндор жамоаларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Икром ҲУДОЙБЕРГАНОВ

Билимлилар беллашуви

Наманган вилояти марказидаги 7-умумтаълим мактаби 5 —8-синф ўқувчилари «Билимлар беллашуви»нинг Наманган шаҳар босқичига мезбонлик қилди.

Унда шаҳардаги 76 умумтаълим мактаби ва ихтисослашган мактаб-интернатлардан 2037 нафар ўқувчи тарих, ҳуқуқ, иқтисод, она тили ва адабиёти, немис, инглиз, француз тиллари каби тўққизта фан йўналишида билимини синовдан ўтказди. Энг юқори балл тўплаган ўқувчилар вилоят босқичида қатнашиш имкониятини қўлга киритди.

Суратда: *«Билимлилар беллашуви» иштирокчилари.*

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат

«ОНА ВАТАН ПОСБОНЛАРИ» ТОПҚИРЛИК МАШҚЛАРИ

КРОССВОРД. Диагонал бўйича ўнгга: 1. Давлатнинг ҳарбий ишлар бўйича асосий сиёсий нуқтаи назари, дастури. **3.** Йирик ҳарбий қисм ёки қўшин бошлиғи. **8.** Душмандан сақланиш учун бунёд этилган мустаҳкам мудофаа воситалари мажмуи. **10.** Зирҳ билан қопланган, гусеницали ҳарбий техника. **33.** Давлатнинг барча қуролли кучлари мажмуи.

Диагонал бўйича чапга: 2. Душман ва унинг қўшинлари, уларнинг кучи, жойлашиши тўғрисида маълумотлар тўплаш учун айрим ҳарбий гуруҳлар томонидан олиб бориладиган тезкор ҳаракат. **3.** Шижоати, довюраклиги, ботирлиги билан шуҳрат қозонган, мардлик кўрсатиб ўзини кўрсатган инсон. **8.** Юқори даражадаги ижодий қобилият, лаёқат.

Энига: 4. Мақолдан: «... майдонда синалади.» **5.** Ватан ҳимоячиси, ҳарбий хизматчи. **9.** Автомат қуролнинг патрон жойлашадиган, айлана шаклидаги ўқдони. **12.** Ҳарбий маҳоратни эгаллаш мақсадида бажариладиган синов, тайёргарлик машғулотлари. **14.** Бир давлатнинг бошқа бир давлатга ёзган расмий дипломатик мурожаатномаси. **23.** Ер қазувчи машина қисми. **25.** Ҳарбийларнинг мунтазам қатори. **27.** Танклар жанги номини олган ҳарбий усул.

Бўйига: 6. Ўқотар қуроллар милининг ўлчови. **7.** Қабул қилувчи ва эшиттирувчи кўчма радиостанция. **10.** Ватанимиз ҳарбий округи жойлашган марказлардан бири. **11.** Мақолдан: «... синовда чиниқади.» **12.** Нишонга бехато ўқ узиш маҳорати. **13.** Ўтмишда душман ҳужумига қарши мустаҳкам девор ва ҳандақ билан ўралган, мудофаа воситалари билан таъминланган шаҳар. **23.** Ҳарбий билим юрти талабаси. **24.** Ватанимиз ҳарбийларига нисбатан юксак қониқиш ҳисси, фахр. **26.** Юк ва йўловчи ташишга мўлжалланган автомобилнинг усти ёпиқ кузови. **33.** Тўп, миномёт ва шу каби отиш қуроллари билан қуролланган қўшин тури. **34.** Жанговар ҳаракатлар бўлаётган жойлардан ярадорлар, асрларни, ортиқча асбоб-ускуна ва ҳарбий техникани фронт ортига жўнатиш. **35.** Ўзида ҳар қандай шароитга бардошли бўлиш қобилиятини ошириш ҳаракати. **36.** Ҳарбийларга хос махсус матодан тикиладиган, махсус бичимдаги пальто.

Ҳарфлар бўйича «занжир» ҳолида: 15. Турли мудофаа истеҳкомларида тўп, пулемёт оғзини чиқариб ўт очиш учун қўйилган туйнук, шинак. **16.** Ҳаво транспорти воситаси. **17.** Мақолдан: «Ботирнинг мушти ҳам ...» **18.** Жангда қозонилган муваффақият, зафар. **19.** Душмандан сақланиш, ҳимоя қилиш учун зарур восита ва чоралар мажмуи. **20.** Давлатнинг ҳарбий кучлари учун қурол-аслаҳа ишлаб чиқариш корхонаси. **21.** Тўп, замбарак стволи ўрнатилган дастгоҳ. **22.** Сув ости минаси. **28.** Милтиқнинг барча қисмларини тутиб турувчи ва отганда елкага тираб туриладиган қисми. **29.** Қадимий тиғли қурол. **30.** Қўшни давлатларнинг сувдаги ва қуруқликдаги ҳудудини ажратиб турувчи чизиқ, қўриқланадиган жой. **31.** Кўриниш, тузилиш эътибори билан ғоят катта, улкан. **32.** Қўндоқ ва узун стволдан иборат ўқотар қўл қуроли.

МУАММОНОМА. Шаклнинг юқори қисми томонларидаги рақамларда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг ҳарбий бурчи ҳақидаги модданинг қисми баён этилган. Уни қуйидаги калит сўзлар жавоблари асосида билиб олинг.

1. Ҳарбий округ жойлашган жанубий вилоят маркази — **16, 15, 2, 19, 1, 11.**

2. Ҳарбий қисмларни бошқарувчи асосий орган — **22, 16, 3, 5.**

3. Қуролли кучлар мажмуи, аскар — **21, 13, 22, 1, 4.**

4. Ҳарбий машқ, қуроллар синови ўтказиш майдони — **17, 8, 12, 1, 10, 8, 4.**

5. Жанг ва ҳарбий операциялар ўтказиш режаси — **7, 16, 2, 3, 16, 15, 10, 1, 20.**

6. Ҳарбий денгиз кемаларининг катта қўшилмаси — **23, 12, 8, 16.**

7. Маълум чегара билан ўралган майдон — **9, 18, 14, 18, 14.**

8. Жисмоний энергия, қувват — **6, 18, 24.**

Фозилжон ОРИПОВ



Руҳият синоатлари

Туш жуда ғаройиб ҳодиса. Қарангки, илмий муаммолар устида йиллаб бош қотирган киши тасодифан ўша муаммолар ечимини тушида топиши мумкин. Тушда кўпгина кашфиётлар яратилгани ҳақида далиллар бор. Туш... Кундалик турмушимизнинг ғаройиб саргузаштларга бой бўлган бу қисми аслида ниманинг маҳсули экан? Туш тақдиримиздан башоратми ёки у тақдирга ўзгартиришлар олиб киришга қодирми?

Туш кўришда не сир бор?

Психологлар фикрича, инсон қанчалик қаттиқ ухлаётган бўлмасин, бош миядаги айрим марказларда кўзғалиш юз бериб, улар ишлаб туради. Маълумки, биз ҳаётда кўрган, кундузи ўзимиз гувоҳи бўлган ёхуд кўнглимиздан кечган ҳис-туйғулар миямизнинг хотира майдонида жамланиб, унда ўз изини қолдиради. Агар шу излар уйқудалик чоғимизда бош мияда ишлаб турган уйғоқ марказлар фаолияти билан боғлиқ бўлса, биз туш кўрамиз ва тушимизда айнан ўша воқеа ва кечинмалар жонланади. Баъзан ўқиган китобимиз ё кўрган филмимиз орқали бундай воқеалар тасаввуримизда муҳрланиб қолган бўлади.

Нима учун биз айрим тушларни яхши эслаб қоламиз ва баъзиларини уйғонишимиз биланоқ унутамиз? Агар туш кўраётганимизда бош миядаги хотирлаш марказлари ҳам қўзғалиш ҳолатида бўлса, кўрган тушимизни батафсил сўзлаб бера оламиз. Аксинча, бу марказлар тормозланган, яъни мудроқ ҳолатда бўлса, туш кўрганимизни биламиз, лекин уни тўлиқ эслолмаймиз.

Тушнинг рост келиш имкониятлари қай даражада эканлигини психологлар ўзига хос талқин этадилар. Масалан, тақдирдан башорат қилувчи тушларни киши камдан-кам ҳоллардагина кўради. Аслида, биз хира кўринган тушга эмас, аниқ кўринган тушга аҳамият беришимиз лозим. Бир хил нарсанинг такрор-такрор тушга кириши эса кишини нимадандир огоҳлантиради.

Одам ухлаётганида танасидаги аъзолардан келадиган импулс (ички туртки)лар мияга кундузгидан кўра кучлироқ таъсир этади. Шунинг учун ҳам беморлар тунги соатларда ўзларини ёмон ҳис қиладилар. Ички аъзолардан мияга келаётган импулслар туш мазмунини белгилаб, соғ одамда бошланаётган хасталикдан хабар бериши мумкин. Баъзи олимларнинг кузатишларича, тушда тор жойдан қисилиб ўтиш нафас йўлларидаги хасталикдан, томдан йиқилиб тушиш юракдаги салбий ўзгаришдан, ўзни ялангоч ҳолда кўриш эса танада бирор касаллик пайдо бўлаётганидан дарак бераркан.

Яна шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир халқнинг урф-одатлари, иримлари, анъаналари, туш таъбирномалари бир-биридан фарқ қилади. Исломий қонун-қоидаларга асосланган, ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан тасдиқланган таъбирномалар бор. Лекин бу кун савдога чиқарилаётган туш таъбирномаларининг аксарияти илмий асосга эга эмас. Масалан, қадимги «Рус таъбирномаси» билан ўтмишда яшаб ўтган аллома Биноийнинг «Туш таъбирномаси» ўртасида еру осмонча фарқ бор. Биринчисида яхшиликка йўйилган туш, иккинчисида аксинча қилиб кўрсатилган. Шунинг учун туш кўрганда ҳадеб таъбирномаларга мурожаат этавериш тўғри эмас. Кўпчилик «тушларга» ишониш керакмикин» деган саволни бериши табиий. Шунга оид бир тарихий воқеани келтириб ўтамиз. Ўн саккизинчи асрда яшаб ўтган олим ўз тадқиқотлари пайтида чалқанчасига ухлаб ётган кишининг оғзига бир неча томчи сув томизади. Бу одам уйқусида ағдарилиб олади-да, оёқ-қўллари билан сузиш ҳаракатларини қилади. У уйғонганида «тушимда сувга тушиб кетдим, кейин сузиб чиқдим», дейди. Бошқа бир ҳолатда эса ухлаётган кишининг товонига иссиқ сувли грелка теккизилади. У уйғонгач, қандай туш кўргани сўралади. «Ёнаётган ёғочлар устида ялангоёқ чопиб юрганмишман», дейди у. Ҳар қандай тушга ортиқча аҳамият бераверириш ҳам маъқул эмас.

Тушларнинг мазмуни ухлаётган кишининг ёши, жинси, эҳтиёжи, физиологик ҳолати, шунингдек, ҳаёт тарзи, маълумот савияси, қизиқиш ҳаваслари, ўзгалар билан муносабати ҳамда руҳий ҳолатига боғлиқ.

Ўйлаб кўрайлик, биз кун бўйи қандай кайфиятда юрдик? Қай ташвишлар билан бандмиз? Ён-веримиздагиларга қандай муносабатда бўлдик? Уйда-чи? Нималарни орзулаб яшаяпмиз? Буларнинг ҳаммаси кўрган тушларимизда тўла (гоҳо бошқачароқ тасвирларда) акс этади. Ўта соғлом ва кайфияти аъло кишилар баъзида тип-тиниқ рангли тушлар кўрадилар. Инсон руҳияти мураккаб, туш кўриш эса шу руҳият билан боғлиқ жараён. Тушни ҳар хил таъбирчига айтиб кўнгилни ғаш қилмоқ ўрнига уни «сувга айтган», яъни сир тутган маъқулроқдир. Биз тушлардан ҳам кўра ўз иродамизга, сабру қаноатимиз ва кучимизга ишонсак, тўғри йўл тутган бўламиз.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
журналист

Реклама ва эълонлар

Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббий маркази Тери ва замбуруғли касалликлар бўлими

ЗАМБУРУҒЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШ

Замбуруғли касалликлар билан боғлиқ саволлар бўйича маслаҳатлар

Мулоқот учун телефон рақамлари:
(+99898) 812 05 06; (+99893) 390 09 03;
(+99893) 655 03 04; (+99890) 963 01 06.

Хизматлар лицензияланган

Муқимий номли Ўзбек давлат мусиқий театри жамоаси касаба уюшма қўмитаси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Бекназаровга онаси

САОДАТХОН аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги ТДПУ ректорати, касаба уюшма қўмитаси, Санъат факултети жамоаси «Чизмачилик ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси профессори

Раҳматулла ИСМАТУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 22.00
Topshirildi - 23.10

E-mail:Ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 118 | 21477 nusxada bosildi | 1 2 3 5